



# ТОЕДИН ГИНО

«MA'QUILLANGAN»  
O'zbekiston Respublikasi Soq'liqlari  
Saq'lash vazirligi huzuridagi  
Farmatsevtika tarmoqi rivojlanish  
agentligining «Dori vositalari, libbiy  
buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va  
standartlashtirish davlat markazi» DUK  
16.07.2021 yil, №13

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

**Препаратнинг савдо номи:** Тоедин Гино

**Таъсир этувчи модда (ХИП):** повидон-йод

**Дори шакли:** вагинал суппозиторийлар

**Таркиби:**

Хар бир вагинал суппозиторий куйидагиларни сақлайди:

*фаол модда:* повидон-йод USP 200 мг (мавjud йод 20 мг);

*ёрдамчи моддалар:* полиэтиленгликоль 1500, полиэтиленгликоль 6000,

метилпарабен, пропилапарабен, бутилизацияланган гидрокситолуол.

**Таъсир:** торпедасимон шакли, жигараанг рангли суппозиторийлар.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Гинекологик касалликларни даволаш

учун антисептиклар ва микробларга қарши препаратлар. Бошқа

антисептик ва микробларга қарши препаратлар. Повидон-йод.

**АТХ коди:** G01AX11

**Фармакологик хусусиятлар**

**Фармакодинамикаси**

Тоедин Гино вагинал суппозиторийнинг таъсир этувчи моддаси – повидон-йоддан қўлланилгандан кейин бир катча вақт давомида фаол эркин йод ажралади ва қўллаш соҳасида унинг доимий концентрациясини таъминланади. Эркин йод (I<sub>2</sub>) кучли бактерицид самарага эга. *In vitro* шароитдаги тадқиқотларда у бактериялар, вируслар, замбуруғлар ва айрим содда микроорганизмларни тез **барфарақ этади.**

**Фармакокинетикаси**

Повидоннинг сўрилиш даражаси ва уни буйрақлар орқали чиқарилиши аралашнинг ўртача молекуляр массасига боғлиқ. Молекуляр массаси 35000-50000 дан юқори бўлган моддалар организмда тутилиши мумкин. Соғлом шахсларда маҳаллий қўлланилганда йодни тизимли сўрилиш минимал. Вагинал қўлланилганда йод тез сўрилади ва плазмада умумий ва эркин йоднинг миқдори аҳамиятли равишда ошади. У асосан буйрақлар орқали чиқарилади. Вагинал қўлланилгандан кейин ярим чиқарилиш даври тахминан 2 кунни ташкил қилади.

**Қўлланилиши**

Тоедин Гино куйидагилар:

- замбуруғли инфекция (*Candida albicans*);
- трихомоназ кўзгатувчиси (*Trichomonas vaginalis*);
- бактериал инфекция (бактериал вагиноз, *Gardnerella vag.*);
- аралаш инфекцияларда (кўзгатувчилар мажмуаси) чақирган вагинал инфекциялар (вагинитлар) ни даволаш учун мўлжалланган;
- кинга, акушерлик ва диагностика муолажалари вақтида жароҳлик ёки диагностика аралашувларидан олдин профилактик мақсадда қўлланилади.

**Қўллаш усули ва дозалари**

Тоедин Гино препарати фақат вагинал юбориш учун қўлланади.

Суппозиторийларни эрталаб ва кечқурун қўллаш тавсия этилади, бунинг учун суппозиторийларни қобидан чиқариб олиш ва кинга чуқур юбориш керак.

Суппозиторийларни қўллаш вақтида гигиеник тағликларни қўллаш тавсия этилади. Препаратни 7-14 кун давомида хар кун қўллаш керак. Ўткир вагинитда 7 кун давомида суткада 1-2 марта қўлланади, номућтир ва сурункали вагинитда суткада 1 марта, уйқудан олдин 14 кун давомида қўлланади. Ҳайз даврида даволашни вақтинча тўхтатиш зарурати йўқ.

**Ножаъ таъсирлари**

*Кам ҳолларда* ( $\geq 1/10,000$  -  $<1/1,000$ ):

- ўта юқори сезувчанлик;
- псориазсимон кизил майда буллёэлементларни ҳосил бўлиши билан кечувчи контакт дерматит, эритема, кичишиш.

*Жуда кам ҳолларда* ( $<1/10,000$ ):

- анафилактик реакция;
- гипертиреоз (айрим ҳолатларда тахикардия ёки безовталик билан кечувчи) йодни аҳамиятли миқдорда қўллагандан кейин (масалан яралар ёки куйишларни даволаш учун повидон-йодни узок вақт қўллаганда) калконсимон бези касалликлари мавжуд бўлган пациентларда кузатилиши мумкин;
- ангионевротик шиши.

*Тез-тезликчи номаълум (мавжуд маълумотлар асосида тез-тезликчини аниқлаб бўлмайдۇ)*

- гипотиреоз (катта юзаларда узок вақт қўллаганда);
- қон зардобида электролитлар даражаси ва осмоларлиқни\*\* ўзгариши, метаболик ацидоз\*\*

- ўткир буйрак етишмовчилиги\*\*.

\*\* йодни аҳамиятли миқдорда қўллагандан кейин кузатилиши мумкин

(масалан куйишларни даволаганда).

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар.**

- йодга ёки препаратнинг бошқа компонентига юқори сезувчанлик;
- гипертиреоз, тугунли коллоид ёки эндемик бўқок, Хошимото тиреоидити;
- Дюринг герпетиформ дерматити;
- гипертиреозни даволаганда радиофаол йодни қўлландан олдинги ва кейинги ҳолат (туљик соғайғунча);
- болалар ва 18 ёшгача бўлган ўсмирлар;
- ҳомилдорлик ва лактация даврида қўллаш мумкин эмас.

**Дориларнинг ўзаро таъсири**

Повидон-йод сакловчи вагинал суппозиторийлар бошқа дезинфекция килувчи ва антисептик воситалар, айниқса ишқор, ферментлар, кумуш, тауоридин ва симоб сакловчи воситалар билан номућтаносиб. Уларни бир вақтда қўллаш ўзаро самарасизликка олиб келиши мумкин. Оксидлар ва бошқа тўйинмаган органик моддалар билан ўзаро таъсири Тоедин Гино препаратини самарадорлигини пасајтиради. Қон мавжуд бўлганда препаратнинг бактерицид самараси ҳам пасајиди.

Повидон-йодни октендин сакловчи антисептик препаратлар билан бир вақтда ёки бевосита қўллагандан кейин битта ёки терининг яндош соҳаларида қўллаш терининг ишлаб берилган соҳаларини вақтинча тўх

рангга бўялишини чақирishi мумкин. Литий препаратларини қабул қилётган пациентларда Тоедин Гинони мунтазам қўллашдан сақланиш керак.

**Махсус кўрсатмалар**

Суппозиторийлар **фақатгина вагинал қўллаш** учун мўлжалланган. Тоедин Гино препаратини қўллаш вақтида калконсимон бези томонида йодни сўрилиши пасајиши мумкин, бу айрим диагностика текширувлар (масалан калконсимон бези сцинтиграфияси, оксид билан боғланган йодни аниқлаш, радиофаол йодни қўллаш билан текширувлар) натиғарига таъсир кўрсатиши, шунингдек калконсимон бези касалликларини даволаш учун қўлланаётган йод препаратлари билан ўзаро таъсирлашиши мумкин. Повидон-йод билан узок вақт даволагандан кейин текширувларнинг ишончли натиғаларини олиш учун Тоедин Гино препаратини қўллаш аяқлангандан кейин 1-2 hafta кутиш тавсия этилади.

Ахлатда аширин қонди (гемоглобинни), шунингдек сийдикда қон ёки глюкозани аниқлаш учун толудин ёки гвак катрионни қўллаш билан текширувларнинг айрим турларини ўтказганда, повидон-йоднинг оксидовчилик хусусиятлари туғайли, унинг излари сохтаммусбат натиғаларга олиб келиши мумкин.

Препаратни қўллаганда терини таъсирланиши, контакт дерматит ва юқори сезувчанлиқнинг бошқа кўринишлари пайдо бўлиши мумкин. Унинг бачирини белгиларида Тоедин Гино препаратини қўллашини дарҳол тўхтатиш ва шифокорга мурожаат этиш керак. Агар бу ҳолат 72 соат ва ундан кўпроқ вақт сақланса, бу жиддий бузилиш белгиси бўлиши мумкин.

Йод миқдорини ошиши калконсимон бези функциясини бузилиши (масалан тугунли коллоид ёки эндемик бўқок) бўлган пациентларда гипертиреоз чақирishi мумкин, бундан шайтанларда Тоедин Гино вагинал суппозиторийларни қўллаш мумкин эмас ёки қўллаш вақтинчи чеклаш керак. Агар даволаш даврида гипертиреоз симптомлари пайдо бўлса, калконсимон бези функциясини текшириш керак. Аввал сурункали буйрак етишмовчилиги диагностика қилинган пациентларда йод сақлаш препаратларини мунтазам қўллаганда эҳтиёткорликка риоя қилиш керак.

**Автомобили ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири**

Таъсир кўрсатмайди.

**Дозани ошириб юборилиши**

**Симтомлари:** йод дозасини ўткир ошириб юборилиши учун оғизда металл таъми, суљак оксинини кучайиши, оғизда ёки томоқда ачишиш ёки оғрик, қўзларни таъсирланиши ва шиши, тери реакциялари, мељд-ичак йўллари томонида бузилишлар ва диарея, буйрак етишмовчилиги ва анурия, қон айланшини етишмовчилиги, иккитали асфиксия билан кечувчи хикилдоқини шиши, ўпка шиши, метаболик ацидоз, гепернатриемия характери.

**Даволаш:** симптоматик ва электролит мувозанатини алоҳида назорати, буйрак ва калконсимон бези функциясини назорати билан тутиб турувчи даволаш.

**Чиқарилиш шакли**

7 суппозиторийдан поливинилхлорид/полиэтилен (ПВХ/ПЭ) плёнкали контур уқли ўрамга жойланади.

2 контур уқли ўрамдан давлат ва рус тилларидаги тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланади.

**Сақлаш шароити**

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган хароратда сақлансин.

Болалар ололмағлиган жойда сақлансин!

**Яроқликлик муддати**

3 йил.

Яроқликлик муддати ўтгач ишлатилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси**

VEGAPHARM LIFE SCIENCES PVT. LTD.

E-186, Back Room of Ground Floor,

Greater Kailash-I, Нью Дели 110048, Дели, Ҳиндистон

**Ишлаб чиқарувчи**

Bliss GVST Pharma Limited, Ҳиндистон

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситасининг сифати бўйича эътироз (тақлиф) ларни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**

“Ameliya Pharm Service” МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент ш., Ойбек кўч., 36, «EAST LINE» БМ.

Тел.: +998 78 150 50 81, +99878 150 50 82

E-mail: uzdrugsafety@evolet.co.uk



Vegapharm